

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЯРМУХАМЕДОВА НАРГИЗА ФОТИХОВНА

**ГЕМОБЛАСТОЗЛАРДА ЛОР АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
КЛИНИКАСИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ярмухамедова Наргиза Фотиховна

Гемобластозларда ЛОР аъзолари касалликларининг клиникаси,
диагностикаси ва даволаш..... 3

Ярмухамедова Наргиза Фотиховна

Клиника, диагностика и лечение заболеваний ЛОР органов
у больных с гемобластозами..... 23

Yarmukhamedova Nargiza Fotikhovna

Clinic, diagnosis and treatment of diseases of the ENT organs in
hemoblastosis..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЯРМУХАМЕДОВА НАРГИЗА ФОТИХОВНА

**ГЕМОБЛАСТОЗЛАРДА ЛОР АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
КЛИНИКАСИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib621 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бакиева Шахло Хамидуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Джахонгир Фазлиддинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Рязанцев Сергей Валентинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Милан университети (Италия)

Диссертация ҳимояси Самарканд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарканд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz).

Диссертация билан Самарканд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарканд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Г.У.Самиева,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Э.Шомуродов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

САМАРҚАНД - 2022

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда риносинуситларнинг узоқ чўзилувчи ва қайталанувчи шакллари ҳамда касалликни ноодатий кечиш ҳолатлари сонининг ортиши кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...юқори нафас йўллариининг йирингли-яллиғланиш касалликлари ЛОР аъзолари патологияларининг 70-80% ни ташкил қилади. Сўнгги 10 йил ичида синусит билан касалланиш икки баробардан ҳам кўпайиб ЛОР стационарларида госпитализация қилинадиган беморларнинг улуши ҳар йили 1,5-2%га ортмоқда.....»¹. Амалиётда риносинуситлар умумий касалликларнинг фақатгина 5-15% ини ташкил қилишига қарамасдан ЛОР шифохоналарига госпитализация қилинадиган касалликлар орасида биринчи ўринда туради. Гемобластозларда, шу жумладан, сурункали миелолейкозлар натижасида келиб чиқадиган патологик жараёнлар юқори нафас йўллари шиллик қаватининг репарация ва тикланиш жараёнларининг бузилишига олиб келади ва уларнинг инфекцияларга чидамлилигини пасайтиради. Шу сабабли гемобластозларда ЛОР аъзолари касалликларининг кечиши, ташхисоти ва даволашда самарали натижаларга эришиш замонавий оторинолорингологиянинг энг муҳим ва муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда гемобластозли беморларда ЛОР аъзолари касалликларининг диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, ЛОР аъзолари касалликлари ва сурункали миелолейкознинг учраш даражасини, риносинуситнинг клиник кечишида сурункали миелолейкознинг аҳамиятини, ўткир ва сурункали риносинуситларда генлар полиморфизмининг ўзига хосликларини ҳамда сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситларнинг башоратлаш алгоритми ишлаб чиқиш ва даволаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, гемобластозларда ЛОР аъзолари касалликларни ташхислаш, даволаш ва башоратлаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сурункали

¹ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

миелолейкозли беморларда риносинуситларни ташхислаш, даволаш, башоратлашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронликни ва ўлим кўрсаткичини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЛОР аъзолари касалликларининг умумий тузилмасида бурун ва бурун ёндош бўшлиғи яллиғланиш касалликлари сезиларли ўсиши сўнги ўн йилликда қайд этилмоқда, жумладан синуситлар билан касалланиш деярли уч мартага ошгани аниқланган (А.С.Лопатин, 2014), яъни йилига касалланишнинг 1,5-2% ўсиши қайд этилган (Г.З.Пискунов, С.З.Пискунов, 2013; Ю.К.Янов ва бошқалар, 2019). Ҳозирги кунда адабиётларда ринит ва синусит патогенезининг умумийлиги ва уларнинг анатомик яқинлигини инобатга олган ҳолда «синусит» эмас «риносинусит» атамасидан фойдаланилади (А.С.Лопатин, 2018; В.М.Свистушкин, 2012; А.Б.Туровский, 2012; Д.Ю.Семенюк, 2013; С.М.Свистушкин ва бошқалар, 2019). Риносинуситнинг патогенези ва даволаш масалаларини ўрганишни амалий ва ижтимоий аҳамияти нафақат уларнинг клиник кечиб давомийлигига, балки сони ортиб бораётгани, ҳамда уларнинг оғир орбитал ва бош чаноғи ичи асоратлари билан ҳам боғлиқдир (Г.З.Пискунов, С.З.Пискунов, 2013; А.А.Кривопаолов, 2015). Риносинуситларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга бурун бўшлиғини латерал деворини: *concha bullosa*, шакллантирувчи остеомеатал мажмуани тузилиш аномалияларига, илмоқсимон ўсимтанинг гипертрофиясига, ғалвирсимон суяк тузилишини ўзига хосликларига ажратилади. Бурун тўсиғини қийшайиши ва гипертрофик ринит ҳам ўткир риносинуситни ривожланишига сабаб бўлиши мумкин (Д.Ю.Семенюк, С.А.Артюшкин, 2013). Иммуно тизим дисфункцияси, эндокрин тизим касалликлари, баъзи туғма касалликлар (Веженер гранулематози, саркоидоз, муковисцидоз, Картагенер синдроми), тишлар инфекцияси ва бурун бўшлиғини анатомик девиацияси риносинуситнинг ривожланишига олиб келиши мумкин (А.С.Лопатин, 2018; А.М.Мельник, 2019; Е.Ю.Радциг, Л.В.Малыгина, А.С.Лапицкая, 2014; Ahn J.C., Kim J.W., Lee C.H., Rhee C.S.,

2016; Gao W.X., Ou C.Q., Fang S.B. et al., 2016). Гемобластозларда, шу жумладан, сурункали миелолейкозлар натижасида келиб чиқадиган патологик жараёнлар юқори нафас йўллари шиллиқ қаватининг репарация ва тикланиш жараёнларининг бузилишига олиб келади ва уларнинг инфекцияларга чидамлилигини пасайтиради (Ш.Х.Бакиева, 2015), бемор организмнинг иммунологик реактивлигининг ўзгариши риносинуситнинг турли шакллари патогенезида катта аҳамиятга эгаллиги тасдиқланган (Л.Ф.Азнабаева, 2016; А.В.Федин, 2015).

Ўзбекистонда сурункали риносинуситларнинг замонавий ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб (У.С.Хасанов 2017, У.Н.Воҳидов, 2017, Ж.А.Джураев, 2018), ушбу касалликнинг бошқа соматик касалликларда ривожланиши, уларнинг иммунологик, метаболик ва яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқлиги аниқланган. Бироқ, сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситни клиник-генетик кечишини ўзига хосликларини ўрганиш борасида илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Шу сабабли сурункали миелолейкозли беморларда сурункали риносинуситларни самарали даволаш комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01997390385 «Асосий оториноларингологик касалликларнинг ташхислаш, даволаш ва оқилона олдини олиш усуллариининг янги йўллариини излаш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситни клиник-генетик кечишини ўзига хосликларини ўрганиш ва самарали даволаш комплексини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЛОР аъзолари касалликлари ва сурункали миелолейкознинг учраш частотаси ва динамикасини баҳолаш, касаллик структурасида яшаш жойи, жинси ва ёшини аҳамиятини баҳолаш;

сурункали миелолейкозли беморларда ЛОР аъзолари патологияларининг учраш частотасини ва риносинуситни клиник кечишида сурункали миелолейкознинг аҳамиятини баҳолаш;

ўткир ва сурункали риносинуситларда генлар полиморфизмининг ҳамда сурункали миелолейкознинг юзага келиши мумкин бўлган асоратларини башоратлаш учун риносинуситларда генетик полиморфизмнинг ўзига хосликларини баҳолаш;

сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситларни башоратлаш алгоритми ва самарали даволаш комплексини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг катталар ва болалар ЛОР бўлими ва Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази

клиникасида даволанаётган асосий гуруҳдаги 106 нафар ва таққослаш гуруҳдаги 65 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Республика статистика департаментидан олинган таҳлилий материаллар, «GIPAP» гуманитар дастури доирасида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникасида даволанаётган СМЛли беморларнинг тиббий ҳужжатларидан кўчирмалар, шунингдек, қоннинг молекуляр-генетик таҳлида TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) ген полиморфизми, сурукали миелолейкозли беморларда бурун бўшлиғининг эндоскопик текшириш натижаларига кўра, ўрта/юқори бурун йўлларидаги шиллиқ қавати ҳолати ва/ёки шиллиқ йирингли ажралмаларнинг материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситни клиник-генетик кечишини ўзига хосликларини ўрганишда клиник, инструментал, функционал, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: гемобластозларда ЛОР аъзолари касалликларининг учраш частотаси ҳамда сурункали миелолейкозли беморларда регенерация ва репарация жараёнининг бузилиши сабабли сурункали риносинуситларининг атрофик шакли билан касалланиш кўпроқ учраши аниқланган;

сурункали миелолейкозли ва сурункали миелолейкозсиз риносинуситли беморлар орасида TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) ген полиморфизмлари, нохуш алелл ва мутант генотипларига нисбатан аниқ тенденциянинг мавжудлиги риносинуситнинг ривожланишига олиб келувчи патологик жараёнларни реализациясида уларнинг генетик аҳамияти аниқланган;

сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситлар ривожланишини башоратлашда TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) яллиғланиш олди цитокинлари генларининг нохуш генотиплари ўзаро таъсирининг аҳамияти аниқланган;

сурункали миелолейкозли беморларда сурункали риносинуситларни кечиш хусусиятини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган даволаш комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: риносинусит турларини тез ва аниқ ташхислаш учун таклиф этилган баҳолаш мезонлари сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситларни қиёсий ташхислаш ва оғирлик даражасини аниқлашнинг самарадорлигини оширган;

сурункали миелолейкозли беморларда сурункали риносинуситнинг клиник кўриниши асосий патологиянинг кечиш жараёнига боғлиқ бўлиб, уларда сурункали риносинуситнинг асосий симптомлари сурункали миелолейкоз бўлмаган беморларга нисбатан кўпроқ учраши баҳоланган;

сурункали миелолейкозли беморларда сурункали риносинуситнинг атрофик шакллари устунликка эга бўлиб, касаллик узоқ давом этиши ва

клиник белгиларининг кам намоён бўлиши билан характерланиши очиб берилган;

сурункали миелолейкозли ва сурункали миелолейкозсиз риносинуситли беморлар орасида IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) ген полиморфизмлари, нохуш алелл ва мутант генотипларига нисбатан аниқ тенденциянинг мавжудлиги риносинуситни ривожланиш хавфини орттирганлиги асосланган;

тавсия этилган даволаш алгоритми яллиғланиш жараёни белгиларининг намоён бўлиши ва учраш частотасининг сезиларли камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бир-бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, функционал, молекуляр-генетик ва статистик усуллари асосида гемабластозларда ЛОР-аъзолари касалликларининг клиникаси, диагностикаси ва даволаш бўйича олинган натижалари ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СРС билан касалланган беморларда касалликнинг клиник-функционал, эндоскопик, молекуляр-генетик, қон биокимёвий текширув усуллари орқали ўзига хос хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшганлиги, шунингдек, даволаш ва башоратлашнинг самарали алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган даволаш ва башоратлаш алгоритми даволаш тартибига татбиқ этилганлиги орқали касалликни ташҳислаш ва даволаш сифати оширилганлиги ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкони яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситни клиник-генетик кечишини ўзига хосликларини ўрганиш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали миелолейкозли беморларда ЛОР аъзолари касалликлари клиникаси, диагностикаси ва даволаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Оптимизация эффективности лечения гнойно-воспалительных заболеваний носа и околоносовых пазух больных с гемобластозами» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 8н-р/114-сон хулосаси). Натижада сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситни даволашнинг оптимал тактикасини танлаш ҳамда ихтисослаштирилган ёрдамни такомиллаштириш имконини берган;

сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситлар ривожланишини башоратлашда генетик омилларнинг аҳамияти бўйича тадқиқотнинг илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситнинг ривожланишини эрта аниқлашда генетик омилларни аҳамияти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 июлдаги 8н-р/619-сон хулосаси). Натижада сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситларни ривожланишини башоратлаш ҳамда патологиянинг оғирлик даражасини самарали аниқлаш имконини берган;

сурункали миелолейкозли беморларда ЛОР аъзолари касалликлари клиникаси, диагностикаси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси ва Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 8н-д/105-сон ва 2021 йил 5 августдаги 8н-д/263-сон хулосалари). Натижада сурункали миелолейкозли беморларда риносинуситлар ривожланишини эрта ташхислаш, касалликни самарали даволаш мажмуасини жорий қилиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амлий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Гемабластозларда ЛОР-аъзолари касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини» деб номланган биринчи бобида чет эл ва юртимиз адабиётларида риносинуситларнинг

эпидемиологияси, этиологияси, диагностикаси, клиникаси ва даволаш бўйича, онкогематологияда ёндош ЛОР касалликлари клиник кечишининг ва генетикасининг ўзига хослиги, диагностика ва башоратлашда яллиғланишга қарши цитокинларнинг аҳамияти бўйича замонавий тасаввурга оид саволлар очиб берилган.

Диссертациянинг «Гемабластозларда ЛОР-аъзолари касалликларини ташхислаш ва даволашнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва усуллари, тадқиқотнинг умумий хусусиятлари ва босқичлари тўғрисида маълумотлар батафсил баён қилинган. Тадқиқот ишлари бер нечта босқичда амалга оширилган бўлиб, биринчи босқичда ЎзР Статистика Департаментидан олинган материаллар асосида 2010-2020 йиллар мобайнида Республикамиз аҳолиси ўртасида ЛОР касалликлари (сурункали фарингит, ринофарингит, синусит ва ринит) ва сурункали миелолейкознинг (СМЛ) тарқалганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар респектив таҳлил қилинган.

Ишнинг иккинчи босқичида клиник лаборатор ва инструментал (касаллик анамнези, шикоятлар, ЛОР аъзоларини объектив кўрик натижалари, бурун олди бўшлиқларини риноскопияси, эндоскопияси, рентгеноскопияси), ҳамда бошнинг компьютер томографияси, статистик тадқиқот усуллари ва тест ўтказиш усулларида фойдаланилган ҳолда СМЛли ва СМЛ бўлмаган беморларда РС нинг клиник кечишига ва генетикасига қиёсий баҳо берилган.

Ишнинг учинчи босқичида СМЛли беморларда риносинуситни даволашни такомиллаштириш бўйича даволаш алгоритми тавсия этилди ва унинг самарадорлигини баҳоланган.

ТТА кўп тармоқли клиникаси катталар ва болалар ЛОР бўлимида сурункали риносинусит ташхиси тасдиқланган 65 нафар беморлар текширувдан ўтказилган. РС дан азият чекувчи беморлар орасида эркаклар (56,9%) аёлларга нисбатан (43,1%) устунликка эга бўлган.

Тадқиқотда иштирок этганларнинг орасида 40 ёшдан катта шахслар (54,0% ва 53,6%) устунликка эга бўлган.

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази маслаҳат поликлиникасида диспансер назоратига олинган сурункали миелейкоз сурункали босқичида бўлган ЛОР аъзолари касалликлари кайд этилган 106 нафар беморлар текширувдан ўтказилган. Шу беморлардан 68 нафарига риносинусит ташхиси қўйилган. СМЛдан азият чекувчи беморлар орасида эркаклар (51,5%) устунликка эга бўлди, аёллар эса 48,5% ташкил этган. Профилактик кўрик натижалари бўйича назорат гуруҳини шартли соғломлар гуруҳига киритилган 68 нафар киши ташкил этган.

Тадқиқот дастури куйидаги клиник-лаборатор тадқиқот усуларини ўз ичига қамраб олган: касаллик анамнези, шикоятлар, ЛОР аъзоларини объектив кўрик натижалари, бурун ёндош бўшлиқларини риноскопияси, эндоскопияси, рентгеноскопияси, ҳамда бошнинг компьютер томографияси, статистик тадқиқот усуллари ва тест ўтказиш.

Касалликни умумий оғирлик даражасини аниқлаш учун, бемордан субъектив аналог шкаласида (САШ) уни РС белгилари қанчалик безовта қилаётганини кўрсатиш сўралади. Бурундан нафас олиш қийинлиги даражасини субъектив баҳолаш учун визуал аналог шкаласидан фойдаланилган. СРСнинг оғирлик даражаси: енгил шакли — САШ 0–3 балл; ўртача оғир шакли — САШ > 3–7 балл*; оғир шакли — САШ > 7–10 балл. (*агар СРСда САШ бўйича белгиларнинг умумий кўриниши > 5 балл бўлса, бу беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир этади).

Эндоскопик текшириш натижалари асосида симптомларнинг оғирлигига ЭВШ (эндоскопик визуал шкала) бўйича балларда баҳоланган (1- жадвалга қаранг).

1-жадвал

Эндоскопик текшириш натижалари асосида симптомларнинг оғирлигига ЭВШ бўйича баҳолаш, балл

Бурун бўшлиғи шиллик қавати ва чиғаноқлар ҳолати	
Шиш ва гипертрофия белгилари йўқ	0
Атрофия белгилари	1
Шиш ва гипертрофия белгилари	2
Concha bullosa	3
Бурундан ажралма характери	
Ажралма йўқ	0
Ажралма тиниқ, суюқ	1
Шиллик-йирингли	2
Йирингли	3
Қалоқ мавжудлиги	
Йўқ	0
Бор	1
Бурун бўшлиғи шиллик қавати ранги	
Оч пушти	0
Бир оз гиперемия	1
Яққол гиперемия	2
Бурун тўсиғи ҳолати	
Текис	0
бир оз қийшайган	1
шип ва гребень	2
S-симон қийшайган	3

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган, олинган рақамли маълумотларнинг ўртача арифметик қиймати, унинг хатолиги ва ишончлилик даражаси 95% эҳтимолий даража бўйича аниқланган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида ЛОР касалликлари ва сурункали миелолейкознинг тарқалганлик даражаси. Сурункали миелолейкозли беморларда ЛОР аъзолари касалликларининг структураси» деб номланган учинчи бобда 2010-2020 йиллар мобайнида Республикамиз аҳолиси ўртасида ЛОР касалликлари ва сурункали миелолейкознинг тарқалганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар респектив таҳлил натижалари ва сурункали миелолейкозли беморларда ЛОР органлари касалликларининг структураси ўрганиш натижалари келтирилган.

Статистик материалларнинг ретроспектив таҳлили, 2019 йилда ЎзР аҳоли ўртасида сурункали фарингит, назофарингит, синусит ва ринит 238231 ҳолатда, 100 000 аҳолига нисбатан ҳисоб-китоб қилинганда 706,4 ҳолатни ташкил этган. Аниқланган патологияларнинг энг юқори улуши (1083,5) 15-17 ёш оралиғида қайд этилган ва 18 ёшдан катталарда 1,5 баробарга пасайгани (716,4) аниқланган.

Ўрганилган 10 йиллик давомидаги бирламчи касалланишнинг ўртача кўрсаткичи (100000 аҳолига нисбатан) дастлабки 5-йиллик (2010-2014 йиллар) бўйича $539,2 \pm 12,98$ ни ташкил этган ва кейинги беш йилликда (2015–2019 йиллар) $796,8 \pm 63,69$ гача ўсган (1-расмга қаранг).



1-расм. Сурункали фарингит, назофарингит, синусит, ринит билан бирламчи ва умумий касалланиш кўрсаткичлари (100 000 аҳолига нисбатан).

Ўрганилган йиллар давомидаги энг юқори кўрсаткич 2016 йилда қайд этилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 1,7 мартага ошгани, 2019 йилга бориб эса 1,3 мартага камайган. Шуни қайд этиш керакки, сўнгги 10 йилликдаги

бирламчи касалланиш даражаси (2019 йилда 2010 йилга нисбатан олганда) 1,4 мартага ортган.

Умумий касалланиш кўрсаткичларининг таҳлили ушбу патологияларнинг динамикаси нотекис кечаётганини кўрсатди. Биринчи 5 йилликда умумий касалланиш 0,9 мартаба камайиб, ўртача кўрсаткич $1144,3 \pm 16,7$ ни ташкил этган. 2015 йилдан умумий касалланиш кўрсаткичнинг ўсиши кузатилиб ўрганилган йиллар учун максимал кўрсаткич 2016 йилда қайд этилган (2015 йилга нисбатан 1,1 мартабага ортган). Кейинги йилларда касалланиш кўрстакларининг пасайиши (2016 йилдан 2019 йилга нисбатан 1,3 мартабага) кузатилиб, охириги 5 йилликдаги ўртача кўрсаткич $1206,5 \pm 55,3$ га тенг бўлган. Ўрганилган 10 йилликдаги умумий касалланишнинг ўртача кўрсаткичи $1175,4 \pm 29,6$ ни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан касалланиш кўрсаткичи 2019 йилда 0,9 мартабага камайгани аниқланган.

СМЛли беморларда ЛОР аъзолари касалликларининг учраш даражасига баҳо берилган. Беморларнинг 7,5% ида сурункали йирингли ўрта отит; сурункали тонзиллит оддий шакли -14,1%, ТАШ - 6,6%; 23,3% - сурункали фарингит аниқланган. Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиш касалликлари СМЛли беморларнинг 64,1% ида аниқланган. Аниқланган бурун касалликлари структурасида сурункали атрофик ринит беморларнинг - 45,6% ида, сурункали ринитнинг оддий шакли - 28%ида, гипертрофик шакли - 7,3%ида, нейровегетатив ринит - 4,4%, сурункали ринитнинг аллергик шакли - беморларнинг 35,3% ида қайд этилган.

Бурун ёндош бўшлиқларининг касалликлари ўткир ва сурункали патологияларнинг турли шакллари кўринишида беморларнинг 38,2% ва 61,8% ида учраган. Беморларнинг 36,8%ида сурункали этмоидит, юқори синусларнинг сурункали яллиғланиш касалликлари - 35,3%ида, беморларнинг 19,1 ва 11,8 %ида сурункали фронтит ва сфеноидит ташхисланган. Текширилган беморларнинг 8% битта синуснинг зарарланиши, 12% - полисинусит, 55% - гемисинусит ва 25%ида - пансинусит аниқланган. Беморларда бурун ва бурун ёндош бўшлиқларининг икки ёки ундан ортиқ касалликлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Сурункали миелолейкоз бўлган ва бўлмаган беморларда риносинуситларнинг клиник кечиши, генетик хусусиятлари ва даволаш самарадорлигини ошириш усуллари**» деб номланган тўртинчи боби тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисмда таққосланаётган гуруҳларда СРС клиникасининг қиёсий таққослаш натижалари келтирилган. Дастлаб беморлар томонидан ўзларининг аҳволларини субъектив аналог шкала (САШ) бўйича баҳолаш натижаларини таҳлил қилинган. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги СРС билан касалланган беморларнинг аксарияти ўзларининг аҳволини енгил (35,3%) ва ўртача (38,2%) деб баҳолаиб, бу эса 74,5% ни ташкил этган. Таққослаш гуруҳида эса беморлар ўзларининг аҳволини енгил (48,6%) ва ўртача (40%) деб баҳолаган.

Таққосланаётган гуруҳлардаги беморлар учун умумий бўлиб нафас олиш қийинлишувига (бурун битишига) бўлган шикоятидир. Бурундан нафас олиш қийинлиги даражасини субъектив баҳолаш учун "Айни вақтда бурун билан нафас олиш қанчалик қийин?" – деган саволга асосий гуруҳнинг – 14,7%, таққослаш гуруҳининг 26,1% бемори "бурундан эркин нафас олаётганини" қайд этган.

Асосий гуруҳнинг - 47,1% бемор, таққослаш гуруҳининг 29,3% бемори бурундан умуман нафас ола олмаётганидан, 38,2 ва 44,6 %дан бемори эса даврий равишда нафас олишда қийналаётганидан шикоят қилган.

Учраш бўйича навбатдаги симптом буруннинг оқиши бўлиб - асосий гуруҳнинг 54 нафар (79,4%), сўнгра ҳид сезишнинг пасайиши – 28 нафар беморида (41,2%), таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткичлар 70,8% ва 29,2% ни ташкил этган. Асосий гуруҳнинг 32 нафар беморда (47,1%) ёноқ ёки пешона соҳасидаги оғирлик ҳисси, 22 нафар беморда (32,4%) бурун-ҳалқумдаги дискомфорт қайд этилган. Таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткичлар 33,8% ва 29,2% ни ташкил этган.

Кейинги ўринда учраш частотасига кўра, бош оғриғи-асосий гуруҳнинг 52 нафар беморида (76,5%) қайд этилди. Таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 67,7% ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида таққосланаётган гуруҳларга киритилган беморларнинг бурун бўшлиғини эндоскопик текшириш ишлари ўтказилди ва натижалар эндоскопик визуал шкала (ЭВШ) ёрдамида баҳоланди. Бурун бўшлиғини эндоскопик текшириш натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, атрофия белгилари асосий гуруҳ беморларида таққослаш гуруҳига нисбатан 1,7 марта кўп қайд этилган (2-расмга қаранг), шиш ва гипертрофия белгилари эса 1,4 марта кам қайд этилиб, атиги 2-3 нафар беморда бурун бўшлиғи шиллик қаватида шиш ва гипертрофия белгилари кузатилмаган.


Асосий гуруҳ беморларининг 29,4 %ида бурундан ажралма шиллик-йирингли характерга (таққослаш гуруҳининг 38,5%ида), 50 %ида йирингли характерга (таққослаш гуруҳининг 32,3 %ида) эга эканлиги аниқланди (3-расмга қаранг). Қалокларнинг мавжудлиги асосий гуруҳ беморларида таққослаш гуруҳига нисбатан 1,7 баробар кўп кузатилиши аниқланди.

4 бобнинг иккинчи ва учинчи қисмларида риносинусит билан оғриган СМЛли ва СМЛ бўлмаган беморлар ҳамда шартли – соғлои шахслар орасида TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) цитокин генларининг полиморфизм вариантларини алелл ва генотипик частотасини тақсимланишини ўзига хосликларини ўрганиш натижалари келтирилган. Шунингдек риносинусит ривожланишида ушбу генларнинг ўрнига баҳо берилган.


Барча ўрганилган гуруҳларда TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) генларининг полиморфизм вариантларини тадқиқ қилиш натижалари уларнинг алелл ва генотиплар частотасини тақсимланишидаги ўзига хосликлар мавжудлигини кўрсатилган.

Эндоскопик текшириш натижалари асосида симптомларнинг аниқлаш даражаси ва оғирлигига қараб тақсимланиши, %

Симптоматика	Асосий гуруҳ		таққослаш гуруҳи	
	абс	%	Абс	%
Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати ва чиғаноқлар ҳолати				
0 – шиш ва гипертрофия белгилари йўқ	6	8,8	3	4,6
1- атрофия белгилари	32	47,1	19	29,2
2- шиш ва гипертрофия белгилари	28	41,2	40	61,5
3-concha bullosa	2	2,9	3	4,6
р қиймат	p<0,013			
Бурундан ажралма характери				
0 (ажралма йўқ)	0	0	2	3,1
1 (ажралма тиниқ, суюқ)	14	20,6	17	26,1
2 (шиллик-йирингли)	20	29,4	25	38,5
3 (йирингли)	34	50	21	32,3
р қиймат	p<0,044			
Қалоқ мавжудлиги				
0-йўқ	44	64,7	51	78,5
1-бор	24	35,3	14	21,5
р қиймат	p=0,08			
Бурун бўшлиғи шиллиқ қавати ранги				
0 – оч пушти	26	38,2	11	16,9
1- бир оз гиперемия	28	41,2	19	29,2
2- яққол гиперемия	14	20,6	35	53,9
р қиймат	p<0,001			
Бурун тўсиғи ҳолати				
0 – текис	34	50	29	44,6
1- бир оз қийшайган	18	26,5	15	23,1
2- шип ва гребень	10	14,7	13	20
3- S-симон қийшайган	6	8,8	8	12,3
р қиймат	p=0,362			



2-расм. СМЛ, сурункали босқичи, атрофик ринит



3-расм. СМЛ, сурункали босқичи, сурункали риносинусит

TNF- α (G-308A) ген полиморфизми бўйича алелл ва генотипларни учраш частотасини таҳлили риносинуситли СМЛ беморларининг 1-асосий гуруҳи билан назорат гуруҳи солиштирганда аҳамиятсиз фарқларни аниқланди.

А алелл (7,7% га қарши 8,1%; $\chi^2 < 3,85$; $p > 0,05$; OR=0,95; 95% CI: 0,39-2,3) ва G/A генотипини (15,4% га қарши 16,2%; $\chi^2 < 3,85$; $p > 0,05$; OR=0,94; 95% CI: 0,37-2,4) учраш частотасида аниқланган фарқларнинг ишончли эмаслиги, СМЛли беморларнинг асосий гуруҳида риносинуситнинг ривожланиш хавфини ошишида уларнинг аҳамиятли эмаслигидан далолат берди. Худди шу каби ҳолат асосий гуруҳ беморларининг 1А ва 1Б кичик гуруҳларида ҳам кузатилган. Шу билан бирга 2-гуруҳ беморларида А алелл ва (12,9% га қарши 8,1%; $\chi^2 = 1,2$; $p = 0,3$; OR=1,7; 95% CI: 0,67-4,23) G/A генотиплари (25,7% га қарши 16,2; $\chi^2 = 1,34$; $p = 0,3$; OR=1,8; 95% CI: 0,67-4,82) частоталари назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлардан катталиги аниқланган. Бу маълумотлар, ушбу гуруҳ беморларида G-308 А полиморфизми бўйича TNF- α гени G/A генотиплари ва А алелларини ташувчиликда риносинусит ривожланиш хавфи тенденцияси эҳтимолининг мавжудлигидан далолат берган (мос ҳолда 1,7 ва 1,8 мартага).

IL1 β (C3953T) ген полиморфизми алелл ва генотипик частоталари тақсимланишини ўрганиш натижалари риносинуситли СМЛ 1-гуруҳ беморларида T/T генотипи ва Т алелларини ташувчилар орасида ҳам (Т алелли учун - $\chi^2 = 0,63$; $p = 0,5$; OR=1,28; 95% CI: 0,7-2,32; T/T генотип учун - $\chi^2 = 1,22$; $p = 0,3$; OR=2,2; 95% CI: 0,54-8,94), риносинуситли СМЛсиз 2-гуруҳ беморлари орасида ҳам (Т алелл учун - $\chi^2 = 0,24$; $p = 0,7$; OR=1,23; 95% CI: 0,54-2,8; T/T генотип учун - $\chi^2 = 0,95$; $p = 0,4$; OR=2,4; 95% CI: 0,42-13,4) риносинуситни ривожланиш хавфини ортиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатувчи фарқларни аниқлашга имкон берди.

Шунингдек, IL6 (C174G) ген полиморфизми алелл ва генотипларини тақсимланиш натижалари бўйича нохуш G алелл ва G/G генотиплари ташувчиларда риносинуситнинг ривожланиш хавфи юқори бўлиши

тенденциялари мавжудлиги аниқланган. Жумладан, риносинуситли СМЛли беморларнинг 1-асосий гуруҳи билан назорат гуруҳи таққосланганда, G алеллари учраш даражаси 1,45 мартага (20,0% га қарши 14,7%; $\chi^2=1,3$; $p=0,3$; OR=1,45; 95% CI: 0,77-2,7) ва G/G генотиплари учраш частотаси деярли уч мартага (7,7% га қарши 3,0%; $\chi^2=1,51$; $p=0,3$; OR=2,75; 95% CI: 0,55-13,85) ошган.

Назорат гуруҳи билан таққослаш натижалари СМЛсиз риносинуситли беморларнинг 2-гуруҳида G алелли 1,6 мартага (21,4% га қарши 14,7%; $\chi^2=1,48$; $p=0,3$; OR=1,6; 95% CI: 0,76-3,3), G/G генотиплари эса 3,1 мартага кўп (8,6% га қарши 3,0%; $\chi^2=1,59$; $p=0,3$; OR=3,1; 95% CI: 0,53-17,9) қайд этилган. Ушбу натижалар текширилган гуруҳ беморларида IL6 (C174G) ген полиморфизми бўйича G алелли ва G/G генотипи ташувчилари орасида риносинуситнинг ривожланиш хавфини ортишига яққол намоён бўлган тенденция мавжудлигини тасдиқлаган.

Шундай қилиб, танлаб олинган беморлар сонининг камлигини ва бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватида патологик яллиғланиш жараёнларининг ривожланишида бир нечта генларнинг иштирок этиши эҳтимолини инобатга олиб, тадқиқот натижалари бўйича TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) аниқланган генлар полиморфизмини риносинуситнинг ривожланиш хавфини оширувчи мустақил маркерлар сифатида кўриб чиқишга имкон бермайди. Шу билан бирга, СМли ва СМЛсиз риносинуситли беморлар орасида IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) ген полиморфизмлари, нохуш алелл ва мутант генотипларига нисбатан аниқ тенденциянинг мавжудлиги баробар риносинуситнинг ривожланишига олиб келувчи патологик жараёнларни реализациясида уларнинг генетик ролини таъкидлайди.

Риносинуситни ривожланиш хавфи бўлган TNF- α (G-308A), IL1 β (C3953T) ва IL6 (C-174G) генлари полиморф вариантлари нохуш генотиплари ташувчилигини бирга келиш ассоциацияси мавжудлигини аниқлаш учун уларнинг турли комбинациялари ўрганилган. Натижалар фақат риносинуситли СМЛли беморларнинг 1-гуруҳида нохуш генотипларнинг икки ($\chi^2<2,5$; $p>0,05$; OR=3,4) ва учта ($\chi^2<3,85$; $p>0,05$; OR=3,0) ташувчилиги бирга бўлган пациентлар орасида риносинусит ривожланиш хавфининг ортиш тенденциясини мавжудлиги, шунингдек, «2+3» нохуш генотипларнинг ($\chi^2=4,2$; $p=0,04$; OR=4,5) ўзаро таъсирида 4,5 мартага ортувчи ишончли аҳамият эга ҳавфни аниқлашга имкон берган (4-расмга қаранг).

4 бобнинг тўртинчи қисмида СМЛли беморларда РСни даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган натижалар келтирилган. СМЛни даволашда тавсия этилган ёндашувларнинг аҳамиятини баҳолаш учун биз беморларнинг икки гуруҳида СМЛни даволаш самарадорлигини ва башорати қийосий баҳоланган. Биринчи гуруҳ асосий ҳисобланиб, булар СМЛнинг анъанавий давоси (Гливек) бўйича даволанган беморлар + тавсия этилган дорилар (Синулор, Олифрин), иккинчи гуруҳ эса фақат СМЛ ва СРСнинг анъанавий даволаш курсини оладиган беморлар гуруҳи. СМЛни классик даволаш клиник протоколларнинг тавсияларига асосланган бўлиб, аммо

барча беморларда терапиянинг индивидуал толерантлиги ва самарадорлиги турлича бўлган.

